

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАГАЕВ БЕҲЗОД ЭРГАШЕВИЧ

**РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА НОРАСМИЙ МЕҲНАТ
БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Мехнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 331.101.26:314

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Тагаев Бехзод Эргашевич

Рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш	5
---	---

Тагаев Бехзод Эргашевич

Совершенствование методологических основ снижения уровня неформальной занятости в условиях цифровой экономике	33
---	----

Tagaev Behzod Ergashevich

Improving the methodological basis for reducing the level of informal employment in the digital economy	61
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works	65
-------------------------------	----

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАГАЕВ БЕҲЗОД ЭРГАШЕВИЧ

**РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА НОРАСМИЙ МЕҲНАТ
БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Мехнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Иктисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt262 ракам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Тошкент давлат иктисодиёт универсиетидаги бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.teu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-тъзим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Умарзаков Баходир Хамидович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исламов Бахтиёр Аиварович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Назаров Шарофиддин Ҳакимович
иктисодиёт фанлари доктори

Мамадалиева Ҳафизаҳон Ҳалзаровна
иктисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий универсиети

Диссертация ҳимоясан 2021 йил 11 09 куни соат 10⁰⁰ да Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали кошидаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.1.100.01 ракамли Илмий кенгаш йигилишинда бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60, E-mail: info@teu.uz.

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 раками билан рўйхатта олинган). Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60, E-mail: info@teu.uz.

Диссертация иши автореферати 2021 йил 28 08 да тарқатилди.
(2021 йил 10 28 даги 08 ракамли реестр баённомаси).



К.Х. Абдураҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ЎзФА академиги и.ф.д., профессор

З.Г. Шакаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Я. Худойбердиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши шароитида аҳолининг норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш ва муносиб меҳнат билан таъминлаш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб колмоқда. Статистик маълумотларга кўра, “дунёда 2 млрд. киши (иш билан банд бўлганларнинг 61 фоизи) норасмий меҳнат билан банд ва уларнинг 93 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келиб, улар меҳнат хуқуклари ва ижтимоий ҳимояга эга эмаслар”¹. Шунинг учун аҳолини муносиб меҳнат билан таъминлаш, меҳнат хуқукларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш алоҳида аҳамиятта эга бўлиб, ушбу масала БМТнинг 2015 йилдаги Баркарор ривожланиш максад ва вазифалар тизимига киритилган.

Жаҳонда раками иқтисодиётнинг кенгайиши, жамият ҳаётининг барча соҳаларига ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан кириб келиши меҳнат бозорида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш ва меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, раками шаклга трансформация қилишга оид илмий-тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада инсон капиталини ривожлантириш, меҳнат бозорида ишчи кучига таклиф ва талаб мутаносиблигини таъминлаш, кулай бизнес мухитини яратиш, солик сиёсатининг бизнес субъектларини рағбатлантирувчи эгилувчан тизимини яратиш, пенсия тизимининг жозибадорлигини ошириш, ностандарт иш билан бандликни ривожлантириш каби илмий изланишлар мухим аҳамитга эгадир.

Янги Ўзбекистонда демографик вазият, меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатининг юкорилиги меҳнат бозорига босимни кучайтиrmокда ва аҳолининг муносиб бандлигини ва хуқукий, ижтимоий ҳимоясини таъминлашни устувор вазифа қилиб қўймоқда. Мамлакатда 2030 йилга бориб, барча хотин-кизлар ва эркакларни, шу жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни баркарор ва самарали бандлик ҳамда муносиб иш билан, шунингдек, тенг кийматли меҳнат учун тенг иш ҳақи тўланишини таъминлаш ва ижтимоий тенгиззликни, камбағалликни кисқартириш кўзда тутилган.² “... ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солик имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор килиниши туфайли 500 минг нафар фукаро меҳнат фаолиятини конуний тарзда йўлга қўйди”³. Бу вазифаларни хал этишда меҳнат конунчилигини такомиллаштириш, аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашишга

¹ World Employment and Social Outlook: trends 2020. International Labour Office – Geneva: ILO, 2020. P. 20.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда баркарор ривожланиш соҳасидаги миллий максад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадибрлари тўғрисида»ги 841-сон карори

³ Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

қаратилган фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, норасмий меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, меҳнат муносабатлари ва меҳнатни мухофаза қилишга оид илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон, 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5052-сон, 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон фармонлари, 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон, 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган хамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4804-сон қарорлари хамда бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг ИТД-2 “Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион жараённи ва инвестицион мухитни такомиллаштириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи. Аҳоли бандлиги, унинг норасмий меҳнат билан бандлигига оид назарий ва услубий ёндашувлар, унинг кўламини қисқартириш усулларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, халқаро ихтисослаштирилган ташкилотлар, жумладан International Labour Organization (Швейцария), European Foundation for the Improvement of Living and Working Conditions (Eurofond) (Ирландия), Institute of Labor Economics (IZA) (Германия), The World Bank (АҚШ), International Institute For Labour Studies (Швейцария), The Amsterdam Institute for Advanced Labour Studies (Нидерландия), Institute for Employment Studies (Буюк Британия), Korea Labor Institute (Корея), The Institute of Population and Labor Economics (Хитой), Всероссийский научно-исследовательский институт труда (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт

университети Тошкент филиали ва Мехнат бозори тадқиқотлари институти томонидан амалга оширилмоқда.

Норасмий меҳнат билан бандликни аниқлаш ва даражасини ҳисоблаш усуслари, унинг меҳнат бозорига таъсири, уни камайтириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда, жумладан қуйидаги натижалар олинган: иқтисодиётнинг норасмий секторида ва норасмий меҳнат билан бандлик даражасини ҳисоблаш усувларининг халқаро статистика стандартларига мослигини таъминлаш зарурлиги асосланган (International Labour Organization, The Organisation for Economic Co-operation and Development); норасмий меҳнат билан бандлик даражасини статистик ҳисботларда қўшимча ва қисқа муддатли бандликни ҳисобга олиш ҳамда солиқ унсурларини мувофиқлаштириш асосида қисқартириш мукинлиги асослаб берилган (The World Bank, IZA Institute of Labor Economics); аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш асосида норасмий меҳнат билан бандликнинг меҳнат бозоридаги сегментацияси такомиллаштирилган (International Institute For Labour Studies, Switzerland); норасмий меҳнат билан бандликнинг таълим, касбий тайёргарлик билан боғлиқ жиҳатлари аниқлаштирилган (Korea Labor Institute, Japan Institute for Labour Policy and Training).

Жаҳонда норасмий меҳнат билан бандлик даражасини аниқлаш, уни ҳисблашнинг назарий-методологик усувларини такомиллаштириш ва унинг кўламини камайтиришга (оптималлаштириш) қаратилган, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: норасмий меҳнат билан бандлик даражасини ҳисоблаш усувларини иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш; унинг шаклланишига таъсир қилувчи асосий институционал омиллар тизимини аниқлаш; норасмий меҳнат билан бандлик даражасига ижтимоий-демографик омиллар таъсирини аниқлаштириш; норасмий меҳнат билан бандлик даражасининг иқтисодий хавфсизликка таъсирини аниқлаштириш; норасмий иқтисодий бирликларни расмийликка ўтишларида рақамли иқтисодиёт ва АҚТдан самарали фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори ва иш билан бандликнинг турли жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар⁴, жумладан, А.Смит, А.Маршалл, Ж.М.Кейнс, А.Пигу, Д.Рикардо, М.Фридмен ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Меҳнат бозорида иш ҳаки ва тўлиқ иш билан бандликни таъминлашда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш ва институционал ёндашув

⁴ Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: – Эксмо, 2016. – 1056 с.; Marshall A. Industry and trade. – Vani Prakashan, 2015. – 556 р.; Keynes J.M. The general theory of employment, interest, and money. – Springer, 2018. – 404 р.; Hayek F.A. The constitution of liberty: The definitive edition. – Routledge, 2013. – Т. 17. – 596 р.; Friedman M. Theory of the consumption function. – Princeton university press, 2018. – 258 р.

масалалари Ж.Кейнс, Т.Веблен, Э.Хансен, Д.Хикс, П.Самуэльсон, Ж.Кларк, Р.Коуз⁵ ва бошқа хорижий олимларнинг асарларида кўриб чиқилган.

Норасмий меҳнат билан бандликнинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ва ахборот технологияларининг меҳнат бозорига таъсири⁶ К.Харт, Эрнандо Де Сото, А.Портес, М.Кастельс, К.Дигриз, Б.Дачс тадқиқотларида ўрганилган.

Норасмий меҳнат билан бандликнинг келиб чиқиши, унинг яширин иқтисодиёт билан боғлиқлиги, ижтимоий-иктисодий оқибатлари ва унинг даражасини баҳолаш ва қисқартириш масалалари⁷ В.Е.Гимпельсон, Р.А.Капелюшников, Г.Б.Клейнер, Р.М.Нуреев, Ю.Г.Одегов ва бошқалар асарларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда меҳнат бозори, ахоли бандлигига кўмаклашиш, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш, муносаб мөхнат билан таъминлаш, касбий малака ва мобиллигини ошириш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, ахолининг ижтимоий ҳимояси, инсон капитали ва иш билан бандликнинг турли шаклларини ривожлантириш, мобиллигини ошириш муаммолари К.Х.Абдураҳмонов, Б.Х.Умурзаков, З.Я.Худойбердиев, Н.Х.Рахимова, Н.Қ.Зокирова, Б.А.Исламов, Г.Қ.Абдураҳмонова, Ш.Д.Кудбиев, Б.Ш.Маҳкамов, Р.Р.Хасанов, Ҳ.Ҳ.Мамадалиева, Н.У.Арабов, Ш.Ҳ.Назаров, Д.А.Насимов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.⁸

⁵ Т.Веблен. Инженеры и ценовая система. М.: Изд. дом ГУ-ВШЭ, 2018. – 112 с.; Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. М: Финансовая Академия, 2008. – 466 с.; Пол Э. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. Экономика. – Издательство: Вильямс, 2015. – 1360 с.;

⁶ Hart K. People, money and power in the economic crisis. – Berghahn Books. 2016. – 208 p.; Э. де Сото. Иной путь: Невидимая революция в третьем мире – Социум, 2016. – 408 с.; Degryse Ch. Digitalization of the economy and its impact on labor markets. European trade union institute. Working Paper 2016. – 82 p.; Dachs B. The impact of new technologies on the labour market and the social economy. 2018. – 64 p.

⁷ В. Е. Гимпельсон, Р. И. Капелошников. В тени регулирования. Неформальность на российском рынке труда. –Высшая Школа Экономики (ВШЭ, 2014. – 800 с.; Нуреев, Ахмадеев: Неформальная занятость. Истоки,современное состояние и перспективы развития (опыт институционального анализа), КноРус – 2019. – 248 с.; Экономика труда: учебник и практикум для вузов / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко. – 3-е изд., перераб. и доп. –Москва: Издательство Юрайт, 2020. – 387 с.; Бобков В.Н. Неустойчивая занятость в Российской Федерации: теория и методология выявления, оценивание и вектор сокращения. КноРус, 2019. – 342 с.

⁸ Абдураҳмонов К.Х. Мөхнат иқтисодиёти. – Т.: ФАН, 2019. – 678 б; Умурзаков Б.Х. Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминотини бозор шароитида ислоҳ қилиш. Иқт. фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – ТДИУ, 2007; Худойбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства. Автореферат дисс. на соискание ученой степени доктора экономических наук. ТГЭУ, 2002; Зокирова Н.Қ. Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш шароитида ижтимоий-мөхнат муносабатларининг шакллантириш ва бошқариш (халкаро ва миллий жиҳатлари), Иқт. фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. Институт экономики АН РУз, 2009; Зокирова Н.Қ., Шоюсупова Н.Т., Габзалиева В.Т., Абдураҳманова Г.Қ. Ахолини иш билан бандлигини тартибга солиш: Монография.-Т.: ТДИУ, 2011; Раҳимова Д.Н. Управление процессами трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. Автореферат дисс. на соискание ученой степени доктора экономических наук. АГОС при Президенте РУз, 2000.; Раҳимова Н.Х. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. Автореферат дисс. на соискание ученой степени доктора экономических наук. Институт экономики АН РУз, 2008.; Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда ахолини муносаб мөхнат тамойиллари асосида иш билан

Таъкидлаш лозимки, ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида ахоли бандлиги, меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг илмий-услубий ва амалий муаммолари кенг ўрганилган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ахолининг норасмий меҳнат билан бандлиги, унинг шаклланиши, ривожланишига таъсир қилувчи омиллар, норасмий меҳнат билан бандликни тартибга солиш, унинг мамлакат учун ижтимоий-иктисодий оқибатларини аниқлаш ва унинг даражасини камайтириш масалалари ўз ечимини кутмоқда. Мазкур ҳолатлар муаммонинг долзарблик даражасини янада оширди ва ушбу мавзуни танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А2-ФҚ-0-11721 “Ахоли фаровонлиги мониторинги”, А2-006 “Ахоли фаровонлигидаги сифат ўзгаришлари мезони ва индикаторлари” лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахолининг норасмий меҳнат билан бандлиги категориясининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда муаллиф қарашларини шакллантириш;

норасмий меҳнат билан бандлик даражасини аниқлаш ва камайтиришнинг методологик ёндашувини услубий жиҳатдан такомиллаштириш;

норасмий меҳнат билан бандлик даражаси ва унинг ўзгариш тенденцияларини чукур таҳлил қилиш асосида мавжуд тизимли муаммоларни аниқлаш;

норасмий меҳнат билан бандликнинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари, вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни очиб бериш;

рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологияларни иш билан бандлик шаклларига ва норасмий меҳнатга таъсирини илмий асослаб бериш;

Ўзбекистонда ахолининг норасмий меҳнат билан бандлигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш механизми ва мақсадли прогноз параметрлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатда норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг қонуний-ҳукукий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.

таъминлашни такомиллаштириш. Иқт. фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – ТДИУ, 2016; Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Иқт. фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – ТДИУ, 2019.;

Тадқиқотнинг обьекти Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандлик сектори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий муносабатлар ташкил қиласди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида тизимли таҳлил, гурӯхлаш, индукция-дедукция, социологик тадқиқот, мантиқий ва таққослама таҳлил, статистик ва эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

норасмий меҳнат билан бандлик даражасини аниқлашда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлганларни ҳисобга олиш ҳамда меҳнат ресурслари, бандлик, ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методологиясини аҳолининг асосий ижтимоий-демографик кўрсаткичларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш механизми сифатида меҳнат ресурсларининг ҳудудлар (вилоят, шаҳар ва туманлар) кесимида онлайн харитасини яратиш, иш билан бандликни лойихавий бошқарув асосида ва зарур ахборот базасининг онлайн мониторингини ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўзини ўзи банд қилишнинг норасмий меҳнат билан бандлик даражаси, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш ҳамда инсон ресурсларини бошқаришнинг устувор усули сифатида уни ривожлантириш ва унда банд бўлганларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар механизmlари такомиллаштирилган;

ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг истиқбол мақсадлари ва меҳнат бозорининг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқсан ҳолда норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда аниқланган норасмий меҳнат билан бандликни шаклланишининг асосий мезонлари ва омиллари, унинг даражасини белгиловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси кўйидагилардан иборат:

“норасмий меҳнат билан бандлик”, “норасмий секторда бандлик” категорияларининг ижтимоий-иктисодий мазмунига оид муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

норасмий меҳнат билан бандлар даражасини аниқлаш ҳамда меҳнат ресурсларини ҳисоблаш методологиясига ижтимоий-демографик кўрсаткичлар киритилган ҳолда такомиллаштирилган;

норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш механизми сифатида меҳнат ресурсларининг шаҳар ва туманлар кесимида онлайн харитасини яратиш, иш билан бандликни лойихавий бошқарув асосида ташкил қилиш ва зарур ахборот базасининг онлайн мониторингини ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш орқали норасмий меҳнат билан бандликни расмийлаштириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, меҳнат ресурсларини бошқаришнинг устувор воситаси сифатида уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усуулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация ишида олинган илмий хулоса ва таклифлардан давлатнинг бандлик сиёсатини самарали амалга ошириш ва норасмий меҳнат билан бандлик даражасини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг жорий этилиши мамлакатда аҳолининг муносиб иш билан бандлигини ошириш, бандликнинг турли шаклларини ташкил қилиш, норасмий меҳнат билан бандликни легаллаштиришда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ракамли иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳолининг норасмий меҳнат билан бандлиги даражасини камайтириш, иш билан бандликнинг ностандарт шаклларини кенгайтириш, меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари, меҳнат ресурслари балансини тайёрлаш услубиётини такомиллаштиришда фойдаланиш ҳамда олий ўқув юртларида “Инсон ресурсларини бошқариш”, “Меҳнат иқтисодиёти” ва “Минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари” фанлари ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандлик даражаси ва ижтимоий-демографик кўрсаткичиларини аниклашнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда унинг даражасини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

ўзини ўзи банд қилишнинг норасмий меҳнат билан бандлик даражаси, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш ҳамда инсон ресурсларини бошқаришнинг устувор усули сифатида уни ривожлантириш ва унда банд бўлганларнинг ижтимоий химоясини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар механизмларини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 309-ИЧ-сон буйруғи асосида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 01/00-03/21-1019-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бандликнинг ностандарт шакли бўлган ўзи ўзи банд қилиш орқали меҳнат бозорида норасмий меҳнат муносабатларни расмийлаштириш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини камайтиришга оид чора-тадбирлар, дастурларни ишлаб чиқиш ва меҳнат ресурсларининг бандлигига кўмаклашиш имконини берган;

норасмий меҳнат билан бандлар даражасини аниқлаш ҳамда меҳнат ресурсларини ҳисоблашда ижтимоий-демографик кўрсаткичлар киритилган ҳолда такомиллаштирилган методик ёндашув Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 309-ИЧ-сон буйруғи асосида амалиётга жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 01/00-03/21-1019-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш меҳнат бозорига оид статистик маълумотларни халқаро стандартларга мослаштириш, хусусан ёш ва жинс гурухлари кўрсаткичларини аниқлаш, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар ва аёлларнинг худудлар кесимида бандлигини ташкил қилиш имкониятини берган;

норасмий меҳнат билан бандлик даражасини қисқартириш механизми сифатида худудлар (вилоят, шаҳар ва туманлар) кесимида меҳнат ресурсларининг онлайн харитасини яратиш, иш билан бандликни лойиҳавий бошқарув асосида ташкил қилиш ва зарур ахборот базанинг онлайн мониторингини амалга ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 309-ИЧ-сон буйруғи асосида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 01/00-03/21-1019-сон маълумотномаси) худудларда ахоли бандлигини таъминлаш, мақсадли дастурлар ижроси ва мониторингини олиб боришда фойдаланилган. Ушбу илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида худудларда меҳнат ресурслари харитасини яратиш, меҳнат бозорида инсон салоҳияти, малакаси ва рақобатдошлигини ошириш, иш билан бандликни лойиҳавий бошқарув асосида ташкил қилиш ва зарур ахборот базанинг онлайн мониторингини амалга оширишга эришилган;

Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар, соҳада амалга оширилаётган ислохот ва тенденциялар асосида норасмий меҳнат билан бандликни қисқартиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари натижасида уни 2030 йилгача икки марта қисқартириш, ушбу кўрсаткични 20 фоизга туширишнинг асосланган мақсадли прогноз параметрлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 309-ИЧ-сон буйруғи асосида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 01/00-03/21-1019-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар асосида худудларнинг бандлик дастурларида жорий этилиши натижасида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини қисқартириш ва камида уларнинг 50 фоизини легаллаштириш ҳисобига ушбу кўрсаткични 20 фоизга тушиши асосланган;

мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда аниқланган норасмий меҳнат билан бандликни шаклланишининг асосий мезонлари ва омиллари, унинг даражасини белгиловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурияти 5231600-Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси бакалавриат таълим йўналиши талабаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрь 89-03-4858-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда норасмий меҳнат билан бандликни шаклланишининг асосий мезонлари ва омиллари, унинг даражасини белгиловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги таъриф ва хulosалар талабаларда мазкур соҳада яширин иқтисодиёт ва норасмий бандликнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини кенгроқ тушунишга ҳамда кенг қамровли билим ва кўникумаларни шакллантиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, SCOPUS базасида 1 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 4 боб, хulosha, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 250 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ва уларнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертацияни “Ахолининг норасмий меҳнат билан бандлигини тадқиқ қилишнинг назарий–услубий асослари” деб номланган биринчи бобида норасмий меҳнат билан бандликнинг моҳияти ва мазмунини аниқлашга доир турли хил назариялар, янгича ёндашувлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган, унинг келиб чиқиш омиллари, таснифлагичлари ва яширин иқтисодиёт билан боғлиқлиги тадқиқ этилган. Норасмий меҳнат билан бандликни ижтимоий–иқтисодий категория сифатида яширин иқтисодиётнинг таркибий қисми ва меҳнат бозорининг мухим омили эканлиги тўғрисида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ҳамда унинг келиб чиқиш омиллари, ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, норасмий меҳнат билан бандликни шаклланишининг асосий омиллари, мезонлари, мавжуд институционал муҳит билан ўзаро боғлиқлиги аниқланиб, унинг ривожланиши шартларининг хорижий мамлакатлар тажрибаси илмий–назарий жиҳатдан ўрганилган ва улардан республикамиизда фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Дунёда норасмий меҳнат билан бандлик асосан ривожланаётган мамлакатларга тўғри келиши унинг бевосита иқтисодиётдаги институционал муҳит ва демографик вазиятга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Ушбу холат норасмий меҳнат билан бандлик даражасини аниқлаш методологиясини такомилаштириш, унинг келиб чиқиш омилларини тадқиқ этиш ҳамда унинг даражасини камайтиришга қаратилган механизмларни жорий этиш мухим масалалардан бири хисобланади. Сўнгги йилларда АҚТнинг жамият ҳаётига кенг кириб келиши ва иқтисодиётни ракамлаштириш меҳнат бозорига, расмий, муносаб ва барқарор иш билан бандликни кенгайтириш, инклузивликни таъминлаш ҳамда меҳнат муносабатларини расмийлаштириш имконини бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ракамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида иш билан бандлик шаклларининг кенгайиши шароитида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш масаласини тадқиқ этишнинг илмий воситалари етарли даражада ўрганилмаган.

Ушбу нуқтаи назардан, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган норасмий меҳнат билан бандликни тадқиқ этишнинг методологик ёндашуви (1-расм) меҳнат бозори, ракамли иқтисодиётнинг устунликлари, инсон капитали



1-расм. Норасмий меҳнат билан бандликкин тадқиқ этишининг методологияси⁹

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳамда институционал мұхиттінің үзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан батағсил очиб беради ва уни тадқиқ этиш ва талқин қилишга комплекс ҳамда тизимли ёндашув таклиф этилади.

Норасмий меңнат билан бандликка тарихий ёндашув унинг доимий хусусиятта эга эканлигини ва яширин иқтисодиёт ҳамда меңнат бозорининг таркибий қисми сифатида уни ҳар томонлама ва сиёсий-иктисодий ёндашув асосида чуқур таҳлил қилинишини тақозо этади. Норасмий меңнат билан бандликкінг мавжудлиги бевосита яширин иқтисодиётни назарда тутивчи хұжалик юритишнінг үзига хос турини, ижтимоий-иктисодий мұносабатларнінг үзига хос хусусиятини үз ичига олган анча мураккаб ва кенг қамровли тушунчани англатади.

Муалиф таърифіга кўра, норасмий меңнат билан бандлик – ишлаб чиқариш бирликлари туридан қаттый назар меңнат мұносабатлари расмийлаштирилмаган, солик органларыда ҳисобға олинмаган, яширин иқтисодиёт ва меңнат бозори таркибий қисми бўлган ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-меңнат мұносабатларидир. Норасмий секторда бандлик – расмий, норасмий корхоналарда ёки уй хўжаликларида ёлланган бироқ меңнат мұносабатлари расмийлаштирилмаган ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-меңнат мұносабатлар ҳисобланади.

Норасмий меңнат билан бандликни иқтисодий фаолият шакли, квазитадбиркорликкінг бир тури, иқтисодий фойда олишга қаратилган ва мамлакаттінг ижтимоий-иктисодий ривожланишида үзига хос ўринга эга бўлган ҳодиса сифатида қўриш мумкин. Норасмий меңнат билан бандликкінг пайдо бўлиши ва кенг тарқалишини қонунчиликкінг мукаммал эмаслиги, кўп ҳолларда амал қиласлиги, меңнат бозорида ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан юқорилиги, ишсизлик, солик ва пенсия тизимінінг рағбатлантирувчи хусусиятта эга эмаслиги, бизнес юритиш мұхити ва ахоли турмуш даражасинінг пастлиги, суд-хуқуқ, ижтимоий таъминоттінг “бўш”лиги каби омиллар боғлиқ ҳолда қўриш мумкин.

Норасмий меңнат билан бандликка таъсир қилиш усууллари бевосита давлаттінг иқтисодиётдаги мувофиқлаштириш роли билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, иқтисодиётда бозорнінг үзини үзи бошқариш тамойили баъзи ҳолларда етарли бўлмаслиги ва уни давлат томонидан тартибга солинишини талаб этади.

Хуқуқий ва ижтимоий давлатда норасмий меңнат билан бандликка таъсир факат давлат ҳокимияти органларинінг ҳаракатларига ва фуқаролик жамиятида давлат үзинінг бандлик сиёсатида фуқаролик жамияти институтларига таянади.

Норасмий меңнат билан бандликкінг мавжудлиги, шаклланиши сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиш унинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш имкониятини беради. Норасмий меңнат билан бандлик тушунчасини тадбиркорлик ва кичик бизнесдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас, уларнінг ҳар бири иқтисодий ва хуқуқий нұқтаи назардан қўриб чиқилиши мумкин. Бир томондан, тадбиркорлик яширин иқтисодиётта хосдир, чунки у

тадбиркорликсиз мавжуд бўла олмайди ва ривожлана олмайди. Бошқа томондан, яширин иқтисодиётнинг ўзи норасмий меҳнат билан бандликни қамраб оладиган тадбиркорлик фаолиятининг кенг соҳасидир.

Диссертациянинг “Рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандликни таҳлил қилиш ва уни қисқартиришнинг илмий услублари” деб номланган иккинчи бобида рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига, хусусан расмий ва норасмий меҳнат билан бандликка таъсирининг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ва хавф–хатарлари аниқланган.

Аҳолининг норасмий меҳнат билан бандлиги даражасини объектив баҳолаш услуги сифатида уй хўжаликларида иш билан банд бўлган ҳар бир аъзосини ҳисобга олиш ҳамда меҳнат ресурсларини ҳисоблаш методологиясида асосий ижтимоий-демографик кўрсаткичларни аниқлашнинг илмий–услубий ёндашуви такомиллаштирилган.

Рақамлаштириш технологик ўзгаришларнинг асосий омиллари сифатида иқтисодиётнинг ривожланишига ҳамда самарадорликни, хусусан меҳнат унумдорлигини ошириб, иш билан бандликда таркибий ўзгариш ва ишчи кучининг малака ва билими, рақобатдошликтини, инсон салоҳиятини оширувчи тенденциялардан биридир. Янги технологиялар доим меҳнатни ҳаракатга солувчи куч сифатида меҳнат бозорида нафақат ишчи қучига талаб таклиф сифати ва мезонларини, одамларнинг қандай ишлшини, меҳнатнинг хусусияти ва ҳатто унинг мақсадини ўзгариради. Шунинг учун рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозори, умуман иш билан бандликдаги таркибий ўзгаришлар, иш билан бандликнинг ностандарт шаклларининг кенгайиши ва хусусан норасмий меҳнат билан бандлик ҳолатига қандай таъсир қилишини тадқиқ этиш лозим.

Янги технологиялар электрон рўйхатга олиш, интеграциялашган ва автоматлашган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатида инсон омили, унинг иштирокини имкон даражада камайтириб, иқтисодий бирликларнинг трансакцион харажатларини камайтиришга, иқтисодий фаолиятни расмийлаштириш имконини беради.

Рақамли иқтисодиёт юқори малакали кадрларни тайёрлаш, касбий малака ва билимларнинг мослашувчан, изчил ва узлуксиз ривожланишини талаб қиласи ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини, хусусан меҳнат муносабатларини рақамли электрон платформалар ёрдамида рўйхатга олиш ва қулай расмийлаштириш имкониятларини яратмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг жамият ҳаётига кенг кириб келиши барча соҳаларда меҳнат фаолиятида интернетдан фойдаланиш натижасида “ҳақиқий” ва “виртуал” дунё билан узвий боғланиш шароитида бўлишни тақозо этмоқда. Кенг қамровли уланиш туфайли ҳатто масофа ҳам иш билан бандликни таъминлашда муаммо бўлмай қолди. Рақамлаштиришнинг нафақат билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш, меҳнат бозорида интеллектуал, юқори малакали, билимли кадрларга бўлган талабнинг ортиши ва шунингдек, меҳнат муносабатларини расмийлаштиришдаги аҳамияти аниқланган. (2-расм).

РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН-2030 СТРАТЕГИЯСИ	2030 – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР	2021–2030 ЙИЛЛАРДА АХОЛИ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ СТРАТЕГИЯСИ	2022-2030 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ	ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2035 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНИШИ СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ
Ракамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни шакллантириши	Самарали ва муносаб бандликни ошириши	Расмий ва барқарор бандликни кенгайтириши	Инсон капиталини ривожлантириши	Юқори иқтисодий ўсиши ва ўрта синфиниш шаклланниши

2-расм. Ракамли иқтисодиёт шароитида меҳнат муносабатларини расмийлаштириш асослари¹⁰

Ўзбекистонда иқтисодиётни ракамлаштиришнинг меҳнат бозорига таъсирини 2020 йилда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий этилишида кўриш мумкин. Ушбу электрон ахборот тизимида идора ва ташкилоларда банд бўлганлар, шахсга оид, вакант иш жойлари, тўғрисидаги маълумотлар тўпланган. Шу билан бирга, иш изловчилар <http://ish.mehnat.uz/> сайтида вилоят, туман (шаҳар), соҳа йўналишлари, касб, таълим даражаси кесимида ва исталган маош ҳажми доирасида вакант иш жойлари хакидаги маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.

Электрон платформалар корхона ва жисмоний шахсларга трансакцион харажатларини камайтириш, компьютер тизимларини кўллаш доирасининг кенгайиши натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси ва виртуал хусусиятга эга иш жойларининг ўсиши, расмий ва норасмий меҳнат билан бандликни аниклаш усууларини ва унинг даражасини кискартиришида мухим ўрин тутади.

Ракамли иқтисодиётнинг кай даражада иш жойларини яратиши ёки сиқиб чиқариши, иқтисодиётнинг қайси тармокларига кўпроқ таъсир килиши ва қандай янги кўнкіма ва малакалар талаб қилиниши меҳнат бозорининг ривожланишига катта таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига таъсир килиши мумкин бўлган хусусиятларини тадқиқ қилиш натижасида унинг кучли, заиф, имконияти ва хавфли томонлари аникланди ва умумлаштирилди.

Норасмий меҳнат билан бандлик кўламини баҳолаш имкониятлари ушбу ходисанинг хусусиятига кўра, ушбу жараёнда иштирок этаётганларнинг

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ўзларини ҳисобга олиш, назорат ва рўйхатдан ўтишдан яширишларини кўзлагани учун чекланган хусусиятга эга. Унинг кўламини аниқлаш билвосита (макроиктисодий) солиқ ва статистика органларининг маълумотлари, жумладан жами ишчи кучи ва расмий меҳнат билан бандлар ўртасидаги фарқ орқали ҳамда бевосита уй хўжаликларида (микроиктисодий) усулда бандликка оид сўровномалар ўтказиш асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётда расмий меҳнат билан банд бўлганларнинг қўшимча даромад олиш учун ишда иккиламчи норасмий меҳнат билан бандликларини аниқлаш мураккаб жараён ҳисобланади.

Бугунги қунда давлатнинг бандлик сиёсатини самарали амалга ошириш меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ҳисоблаш методикасини¹¹ такомиллаштириш ҳамда меҳнат соҳасидаги миллий статистика методологиясини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Шу сабабли, муаллиф томонидан норасмий меҳнат билан бандлик кўламини реал, объектив баҳолаш ва уни легаллаштириш мақсадида норасмий меҳнат билан бандликни аниқлаш методологиясини меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган шахсларларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш таклиф этилди. Бу эса худудлар ва иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида норасмий меҳнат билан бандларнинг реал даражасини аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, норасмий меҳнат билан бандларни ва умуман меҳнат ресурсларининг ижтимоий-демографик гурухларини, хусусан ёш ва жинс кесимидағи кўрсаткичларни аниқлаш бўйича илмий – услубий ёндашув ишлаб чиқилди.

Хозир ва келажакда меҳнат бозоридаги ҳолат турли омилларга боғлиқ ва унда доим миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлишлиги мухим аҳамиятга эгадир. Бу эса хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қиласиган, таркибий ўзгаришларни қатъий қўллаб-куватлайдиган, сифатли таълим, солиқ ва ижтимоий таъминотнинг самарали тизимини таклиф қилувчи институционал мухитни яратишни назарда тутади.

Аҳолининг муносаб бандлигини таъминлаш, ишсизлик ва норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтириш комплекс ёндашувни ва тадқиқотни талаб қиласиган мураккаб ижтимоий-иктисодий масала ҳисобланади. Уни тадқиқ этишда эркин бозор иқтисодиёти ва уни давлат томонидан самарали тартибга солиш, иш билан бандликнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, кулай бизнес мухитини яратиш ва меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Ишга жойлаштиришга мухтоҷ аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида” ги 1011–сон қарори.

Иқтисодиётнинг расмий сектори меҳнат ресурсларининг юқори суръатда ўсиши натижасида талабдан кўра чекланган иш жойларини яратиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ишчи кучининг анъанавий иш билан бандлик соҳаларидан (масалан, қишлоқ хўжалиги) саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтишини ҳамда баъзи қисмининг норасмий меҳнат билан банд бўлишларига олиб келади. Ўзбекистон шароитида норасмий меҳнат билан бандлик аҳолининг маълум қисми учун ишсизлик ва қашшоқликни олдини олишда муҳим бир восита сифатида ўзига хос “ижтимоий соябон” ва меҳнат бозорида маълум бир кескинликни юмшатувчи “амортизатор” вазифасини бажариши илмий асослаб берилган.

Янги таҳрирда қабул қилинган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун¹² тўғридан-тўғри амал қиласидан хусусиятга эга бўлиб, унда давлатнинг бандлик соҳасидаги асосий тамойиллари акс этиб, ҳозирги замон меҳнат хукуқ нормаларига асосланган, меҳнат бозорини тартибга солишининг янги воситалари, хусусан тадбиркорликни рағбатлантириш, ўзини ўзи банд қилиш, ишсизларни касбга ўқитиши, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, иш стажини хисобга олиш, ишсизлик нафакасини тўлаш, ишга жойлаштириш бўйича агентликлар, республикадан ташкарида вактинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фукаролар ва бошка муҳим йўналишлардаги масалалар камраб олинган.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистон иқтисодиётида норасмий меҳнат билан бандликнинг шаклланиши ва ҳозирги даражасининг таҳлили” деб номланиб, унда норасмий меҳнат билан бандликнинг жорий холати ва унга таъсир килувчи ижтимоий-иктисодий омиллар таҳлили, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига норасмий меҳнат билан бандлик натижасида вужудга келадиган хавф-хатарлар, салбий оқибатлари аниқланган ва уларни ҳисобга олган ҳолда норасмий меҳнат билан бандликни мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлик тизими кўрсаткичларига киритиш максадга мувофиқлиги илмий асосланган ва унинг даражасига таъсир килувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

Норасмий меҳнат билан бандлик бутун дунёда кенг тус олган ҳодиса бўлиб, унинг кўламини камайтириш давлат томонидан тизимли комплекс сиёsat олиб боришини талаб килади. ХМТнинг ҳисботига кўра, дунёдаги 10 та ишчидан 6 та ва 5 та корхонадан 4 таси яширин иқтисодиётда норасмий фаолият юритади¹³.

Норасмий меҳнат билан бандлик деярли барча мамлакатларда кенг таркалган ҳодиса бўлиб, унинг салбий оқибатлари билан бирга давлат ва ҳодим учун куйидаги ижобий томонларини кўрсатиш мумкин: аҳолининг даромадга эга бўлиши натижасида ишсизлик ва қашшоқликни олдини олиши ва ижтимоий зиддиятни камайтириши, асосий иш хақига кўшимча даромадга эга бўлиши ва турмуш даражасини ошиши, товар ва хизматларга талаб, сифат

¹² Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 2020 йил 20 октябрь,

¹³ <https://www.ilo.org/global/topics/%20employment-promotion/informal-economy/lang--en/index.htm>

ва ишчи кучи ўргасида ракобатнинг ошиши ҳамда кўпинча ўзини ўзи банд килиш орқали тадбиркорликни бошлаш, ЯИМнинг ўсишига сезиларли хисса кўшиши, норасмий даромаднинг расмий секторда сарфланиши каби ўзига хос муҳим ижтимоий-иктисодий муҳим аҳмиятга эга бўлган ҳолат сифатида хизмат килади.

Норасмий меҳнат билан бандликнинг шаклланишини иктиносидий, хукукий, ижтимоий ва маданий омилларга эга бўлган ҳамда пировард мақсади иктиносидий фойда олишга қаратилган ва аксарият ҳолларда мажбурий кўринишдаги иктиносидий фаолият эканлиги аниқланди (3-расм).



3-расм. Норасмий меҳнат билан бандликнинг келиб чиқиш омиллари¹⁴

Иктиносидиётда расмий иктиносидий фаолиятни, жумладан расмий меҳнат билан бандликни таъминлаш ва унга эришиш тамоили анча оддийдир – бу соҳага оид жараёнларни соддалаштириш ва шаффофлик тамоили хисобланади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, директив ва тақиковчи маъмурий чоралар орқали норасмий меҳнат билан бандлик муаммосини ҳал этиш самарасиздир. Жаҳон тажрибаси норасмий меҳнат фаолиятини легаллаштиришга қаратилган, расмий ва норасмий секторларнинг маълум бир ўзаро ҳаракатини йўлга қўйиш орқали давлатнинг уйгунашган иктиносидий тузилмасини шакллантириш, тадбиркорлик учун кулагай бизнес мухитини яратиш зарурлигини кўрсатмокда.

Норасмий меҳнат билан бандлик даражасига иктиносидий, хукукий омиллар билан бир каторда ижтимоий-демографик омиллар ҳам таъсир килиши аниқланди. Аксарият ҳолларда меҳнат бозорида ахолининг хукукий

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

саводхонлиги бўлмаган, ўрта ва ўрта маҳсус маълумотли, ўз касби ва малакаси бўйича иқтисодиётнинг расмий секторида иш топа олмаган гурӯҳлари норасмий меҳнат муносабатларига киришадилар. Хусусан, норасмий меҳнат билан бандларнинг 32,1 фоизи – умумий ўрта, 61,1 фоизи – ўрта-маҳсус ва 6,8 фоизини – олий маълумотли шахслар ташкил қилиши ахолининг маълумот даражаси қанчалик юқори бўлса, меҳнат бозорида норасмий меҳнат билан бандлик даражаси мос ҳолда кам бўлиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, норасмий меҳнат билан бандликнинг юқори даражаси мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиш учун турли хавфларга сабаб бўлиши туфайли уни иқтисодий хавфсизлик тизими мезонларига киритиш мухимлиги илмий асосланди. Унинг юқори даражаси мамлакат тараққиёти, ижтимоий зиддият, тенг ракобат мухити, тенгсизлик, табақаланишнинг кучайиши, ахолининг расмий ижтимоий тизимида тўлик камраб олинмаслиги, жамиятда хуқук тартиботига амал килмаслик, молиявий йўқотишлар ва бошка ижтимоий-иктисодий оқибатларга олиб келиши аниқланди (4-расм).



4-расм. Норасмий меҳнат билан бандликнинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари¹⁵

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда норасмий меҳнат билан бандликнинг ўзига хос хусусиятлари меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг талабдан ортиқлиги, унинг қишлоқ хўжалиги секторида юқорилиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, норасмий секторда иш хақининг расмий секторга нисбатан юқорилиги, солик ва пенсия тизимининг рафбатлантириш хусусиятига эга эмаслиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда 2020 йилда норасмий меҳнат билан бандлик даражаси 2001 йилга нисбатан 52,6 фоизга ошган, иқтисодиётнинг расмий секторида бандлик 3,3 фоизга камайган. Ҳисобот даврида республикадан чет элда ишлаш учун кетгандар сони 8 марта, ишсизлик даражаси 42 марта, иқтисодий фаол аҳоли эса 62 фоизга ошган. Иқтисодий фаол аҳолининг жами меҳнат ресурсларига нисбати 2001 йилда 71,6 фоизга ва 2020 йилда 77,3 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида норасмий меҳнат билан бандлик динамикаси, (минг киши)¹⁶


Кўрсаткичлар	2001 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2020 й.	2020 й. 2001 й.га нисбатан, % (+/-)
Иқтисодий фаол аҳоли	9173,5	10224,1	12286,6	13767,7	14797,9	+62
Иш билан бандлар, жами	9136	10196,2	11628,4	13058,3	13239,6	+69
Шундан:						
Иқтисодиётнинг расмий секторида	5920,2	6370,4	5348,9	5294,9	5732,4	-3,3
Иқтисодиётнинг расмий секторида улуши, %	64,8	65,5	45,9	40,5	43,3	-21,5
Иқтисодиётнинг норасмий секторида	2985,1	3559,7	5990,3	5209,1	5668,9	+52,6
Иқтисодиётнинг норасмий секторида улуши, %	32,7	34,9	51,5	37,8	42,8	10,1
Ишсизлар	37,5	320,2	658,2	709,4	1558,4	42 марта
Ишсизлик даражаси, %	0,4	3,1	5,7	5,2	10,5	10,1
Иқтисодий нофаол аҳоли	3643,9	4229,2	4424,9	4508,4	4344,4	+19,2
Чет элда ишлаш учун кетгандар	230,7	266,1	289,2	2284,7	1838,2	8 марта
Меҳнат ресурслари	12817,4	14453,2	16509,7	18276,1	19142,3	+49,3

Таъкидлаш лозимки, норасмий меҳнат билан бандликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уни бартараф этишга қаратилган ечимларни ҳал этиш давлатнинг бандлик сиёсатида муҳим аҳамиятга эга.

¹⁶ Манба: муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисбланган.

Муаллиф томонидан шу максадда, 2019 йил сентябрь-декабрь ойларида Тошкент шахри меҳнат бозорида норасмий меҳнат билан бандликнинг келиб чикиш сабабларини ўрганиш максадида иш берувчилар, ходимлар ва ўзини ўзи банд қилганлар билан социологик сўровлар ўтказилди. Социологик тадқикот ўтказишнинг мухим мақсади ракамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришга қаратилган илмий асосланган холоса ва таклифлар ишлаб чикиш ҳисобанади.

